

ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА ХИТОЙНИНГ “БИР КАМАР – БИР ЙЎЛ” ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДАГИ “ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА” ҲАМКОРЛИГИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-26-603-607>

Алимов Оқилиддин Исамутдинович

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Тошкент давлат шарқишунослик университети

oqiliddin@mail.ru

Аннотация. Глобал иқлим муаммолари кучаяётган бугунги шароитда яшил энергияни тарғиб ва жорий қилиш энг долзарб масалага айланди. Ушбу мақолада Хитойнинг “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси доирасидаги “яшил энергетика” ҳамкорлигининг ривожланиш тенденциялари, замонавий босқичда ХХРнинг “яшил энергетика” стратегиялари, “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси иштирокчилари билан “яшил энергия” соҳасидаги икки ёки кўп томонлама келишувларнинг моҳияти, яшил энергиянинг инфраструктуравий ва инвестициявий ривожланиш омиллари, Хитой ва Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси, “яшил энергетика”, энергетика хавфсизлиги, энергетика дипломатияси.

GREEN ENERGY COOPERATION OF CHINA WITHIN THE FRAMEWORK OF THE “BELT AND ROAD INITIATIVE” AT THE MODERN STAGE

Alimov Okiliddin Isamutdinovich

Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science, Associate Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

oqiliddin@mail.ru

Abstract. In the context of the intensifying global climate challenges, the promotion and implementation of green energy have become one of the most urgent priorities. This article examines the development trends of China’s “green energy” cooperation within the framework of the Belt and Road Initiative (BRI). It explores the strategies of the People’s Republic of China (PRC) in the field of green energy at the contemporary stage, the essence of bilateral and multilateral agreements on green energy between BRI participant countries, as well as the infrastructural and

investment factors influencing the development of green energy. Furthermore, the paper highlights the prospects for cooperation between China and Uzbekistan in the energy sector.

Keywords: Belt and Road Initiative, green energy, energy security, energy diplomacy.

XXP tomonidan ilgari suрилган “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси концептуал, инструментал ва институционал умумий манфаатлар тақдим этиш орқали муҳим ҳамкорлик платформаси вазифасини ўтайди. Ушбу ташаббус айниқса ривожланаётган мамлакатларни глобал таъминот занжирларига интеграциялашувини таъминлайди. Ташаббус етакчиси сифатида Хитой иштирокчи давлатлар билан ҳамкорликни доимий равишда мустаҳкамлаб келмоқда.

Бугунга келиб Хитой 150 дан ортиқ мамлакат ва 30 дан ортиқ халқаро ташкилот билан 230 дан зиёд ҳамкорлик келишувларини имзолаган. Ушбу келишувлар халқаро савдо, инфратузилма қурилиши ва маданий алмашинув каби бир қатор соҳаларни қамраб олиб, Хитойнинг глобал бошқарувга бўлган ёндошувининг кучайганини кўрсатади¹.

Хитой Халқ Республикаси шунингдек қайта тикланадиган энергия манбалари учун ускуналарни ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. У сув электр станциялари, шамол ва қуёш энергияси бўйича биринчи ўринни эгаллайди ҳамда атом энергияси соҳасида энг йирик қурилаётган лойиҳаларга эга.

Шу билан бирга, “Бир камар – бир йўл” ташаббуси доирасида иштирокчи мамлакатларда энергияга бўлган талабнинг ошиши кутилмоқда. 2025 йилдан 2030 йилгача бўлган даврда 38 мамлакатда қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича ўрнатилган қувват 644 ГВтга етказилиши мумкин ва шамол ҳамда қуёш энергиясига умумий инвестициялар 644 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиши прогноз қилинмоқда.

Шу тариқа, Хитой эндиликда атроф-муҳитга камроқ таъсир кўрсатувчи экологик жиҳатдан тоза лойиҳаларга эътибор қаратади. Бу эса Евроосиёда янги портлар, темир йўллар ва электр станциялари орқали савдо йўлакларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Карбон чиқиндиларини камайтириш ва яшил энергияга ўтиш бўйича глобал ҳаракатлар орасида Хитой ва “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси мамлакатлари ўртасидаги энергетика соҳасидаги ҳамкорлик катта эътиборни

¹ Ohashi H. The Belt and Road Initiative (BRI) in the context of China’s opening-up policy. Journal of Contemporary East Asia Studies, 7(2), 2018. 85-103.

тортмоқда. “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси доирасидаги “яшил энергия” бўйича ҳамкорликлар асосан ривожланаётган давлатлар ўртасида юз бериши туфайли бу мамлакатларга яшил энергияга тезкор ўтиш учун зарур бўлган инвестициялар ва “яшил технология”ларнинг тарқалишини таъминлайди².

Хитойнинг “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси иштирокчилари билан “яшил энергия” соҳасидаги икки ёки кўп томонлама келишувлари қатор ҳужжатларда, жумладан, англашув меморандумлари ва ҳамкорлик режаларида акс эттирилган³. Шунингдек, Хитой ҳукуқий ва тартибга солиш доираларини доимий равишда такомиллаштирмоқда ҳамда икки ва кўп томонлама дипломатик алоқаларни чуқурлаштириш орқали барқарор юқори даражадаги мулоқот платформаларини яратмоқда.

Кўпгина экспертларнинг фикрига кўра, “Бир камар – бир йўл” ташаббуси яшил энергия соҳасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади ва иқтисодий ривожланиш ҳамда иш ўринлари яратилишини рағбатлантиришда ижобий таъсирга эга⁴. Лойиҳа доирасида “яшил энергетика” соҳасидаги ҳамкорлик иштирокчи мамлакатларнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади. Бугунги кунда Хитой янги энергия саноатининг асосини ривожлантиришга кўпроқ аҳамият қаратиб, инфратузилма қурилишларига ҳам эътибор бермоқда.

2024 йилда Хитойнинг қайта тикланадиган энергияга инвестициялари рекорд даражага етди ва асосий маблағлар қуёш ва шамол энергетикасига йўналтирилди. Яшил энергияга инвестициялар 7,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, йиллик умумий энергетика инвестицияларининг 28%ини, ташкил қилди.

Шунингдек, “Бир камар – бир йўл” доирасидаги энергетик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилиши ва фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан турли халқаро ташкилотлар билан бўлган муносабатларига боғлиқ бўлади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ташкил этилган Яшил ривожланиш форуми “Бир камар – бир йўл” ташаббуси яшил энергия ҳамкорлик лойиҳалари билан мувофиқ келади ва асосан қуёш ва шамол энергияси каби инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган.

² Liu, H., Wang, Y., Jiang, J., and Wu, P. How green is the “Belt and Road Initiative”? – Evidence from Chinese OFDI in the energy sector. *Energy Policy*, 2020., 145

³ Wang, J. (2019) China’s Governance Approach to the Belt and Road Initiative (BRI): Partnership, Relations, and Law. *Forthcoming in Global Trade and Customs Journal*, 14(5), 1-13.

⁴ Li, R., Xu, L., Hui, J., Cai, W. and Zhang, S. (2022) China’s investments in renewable energy through the belt and road initiative stimulated local economy and employment; Xu, L. (2023) Role of belt and road initiative in the development of renewable energy: Mediating role of green public procurement. *Renewable Energy*, 217, 118963.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (АИБ) ҳам Хитой томонидан ташкил қилинган халқаро молиявий муассаса бўлиб, у ҳукуматнинг иқлим сиёсатлари учун восита вазифасини бажаради. Хитой банкнинг энг йирик акциядоридир ва энг кўп овоз бериш ҳуқуқига эга. Яшил энергия лойиҳаларида катта инвестор сифатида АИБ инфратузилма инвестициялари ва яшил молия орқали иштирок этади.

Яшил энергиядан фойдаланиш ва уни илгари суриш карбон чиқиндиларини камайтириш мақсадларига эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ бу жараён катта инфратузилма ва инвестиция талаб қилади, бу эса айрим кам ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу давлатлар кўп ҳолларда яшил энергияга қисқа муддат ичида ўтиш учун етарли молиявий ресурслар ва техник қўллаб-қувватлашга эга эмас. “Бир камар – бир йўл” ташаббуси давлат ва нодавлат иштирокчилар ўртасидаги яшил энергия соҳасидаги глобал ҳамкорлик учун амалий механизм тақдим этиш орқали ушбу муаммони ҳал этишга қаратилган вазифани бажаради. Сиёсий консенсусга асосланган ва инвестициялар билан қўллаб-қувватланган давлатлар ўртасидаги шерикликлар яшил энергия инфратузилмасини яратиш орқали кам ривожланган мамлакатларда энергия тизимини ўзгартириш жараёнини тезлаштириши мумкин. Шу билан бирга, ҳамкор давлатларга технология ва бошқарув соҳасида зарур тажрибаларни ўзлаштиришда ёрдам бера олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон учун Хитой билан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасидаги ҳамкорлик мамлакатнинг барқарор ва экологик ривожланиши йўлидаги муҳим йўналиш сифатида қаралмоқда. Фотоэлектрик модуллар, шамол турбиналари ва ушбу соҳадаги бошқа муҳим таркибий қисмларни ишлаб чиқариш бўйича жаҳон бозори улушининг тахминан 70 фоизи Хитой компанияларга тўғри келади. Бундан ташқари, Хитой дунёдаги бошқа давлатларга нисбатан кўпроқ денгиз шамол турбиналарини ўрнатган бўлиб, бу унга шамол энергиясидан фойдаланиш ҳажми бўйича жаҳон етакчиси мақомини беради.

Ўзбекистон ва Хитойнинг қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасидаги ҳамкорлиги, шубҳасиз, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё миқёсида энергетик хавфсизлик ва экологик барқарорликни таъминлаш учун янги имкониятларни яратмоқда.

Ўзбекистоннинг Хитой билан “Бир камар – бир йўл” ташаббуси доирасидаги яшил энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги “Ўзбекистон-2030” Миллий стратегиясида белгиланган устувор вазифалар – қайта тикланадиган

энергия манбаларидан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш орқали яшил иқтисодиётга ўтиш мақсадлари билан уйғунликда амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ohashi H. The Belt and Road Initiative (BRI) in the context of China's opening-up policy. *Journal of Contemporary East Asia Studies*, 7(2), 2018. 85-103.
2. Liu, H., Wang, Y., Jiang, J., and Wu, P. How green is the “Belt and Road Initiative”? – Evidence from Chinese OFDI in the energy sector. *Energy Policy*, 2020., 145
3. Wang, J. (2019) China's Governance Approach to the Belt and Road Initiative (BRI): Partnership, Relations, and Law. *Forthcoming in Global Trade and Customs Journal*, 14(5), 1-13.